Ҳазрат Навоий Темурийлар даври маданий-маърифий ҳаётининг янада ривож топиши, эл-юрт фаровонлиги, давлат ободончилиги, тил ва миллат истиқболи учун аркону давлат бўла олган буюк сиймо ҳамдир. Ҳазрат Навоий Ҳиротда вазирлик йилларида бутун кучини бунёдкорлик ва маърифатга қаратди. Ўша даврнинг машҳур тарихчиси Ҳондамир ўзининг “Хулосат-ул ахбор” асарида “Амиралишернинг фазлу хунар табақасининг аксариятга ғамхўрлик қилган. Шунингдек замон наққошлари ва давр муҳандисларининг кўпи ул ҳазратнинг тарбия ва таълим воситаси билан бу хунарларни ўргандилар ва атроф ва оламда монанди йўқ яхшилар тенги бўлдилар”<sup>2</sup>. Ҳазрат Навоий ўз ҳаёти давомида “минг бир” ҳайрли ишни бажаришни ният қилган эканлар. Шулардан 366 таси бинолар қуриш ва таъмирлаш бўлиб, бу вазифани у шараф билан бажарди. Навоийнинг меъмор-муҳандислар билан мулоқотда бўлиши, баъзи меъморий масалаларда улар билан баробар фикр юритиши шоирнинг муҳандислик соҳасидаги истеъдодидан дарак беради. Бундан ташқари, Навоийнинг меъморлар санъатига бўлган шахсий қизиқиши ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлган. Шу боисдан бўлса керак, Навоий жуда кўп қурилишларнинг тархини ўзлари тузганлар. Шунинг учун айрим меъморларни хато ва камчиликларини кўрсатиши билан ўзининг фикрини мунтазам кўп бурчаклар, айлана ва доиралар ҳақидаги қонуниятлардан далиллар келтириб исботлаб берганлар<sup>3</sup>. Шу ерда айтиш жоизки, Устод олим Пўлат Зоҳидов Алишер Навоийнинг меъморчилик ва бунёдкорлик соҳасидаги мўътабар хизматларига юксак баҳо бериб, “... муболағасиз айтиш мумкинки, жаҳон тарихида ҳеч бир шоир Алишер Навоийчалик кўп бинолар қурган эмас, меъмор санъатини шунчалик завқ-шавқ улуғлаган эмас”, дейди.

<sup>1</sup> Ислон Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил, 402-бет.

<sup>2</sup> Ҳондамир. Хулосат-ул ахбор. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги қўлёзмалар фонди. 496-саҳифа.

<sup>3</sup> Валихонов О. Навоий ва фан. “Фан ва турмуш”, 1991 йил. 9-сон, 7-бет.



Ҳозирги кунгача Ҳазрат Алишер Навоий бунёд этган бинолар мақбаралар канал ва сув омборларидан айримлари сақланиб қолган. Уларнинг ҳамон халқ хизматида эканлиги, айниқса, бизни қувонтиради. Шулардан айримларини бизга маълум бўлганлигини санаб ўтаемиз:

1. Қадимий Ҳазрат Ризо Алайху Салом мақбарасига қурилган қадимий айвон ва мақбара атрофидаги кўк тошдан барпо қилинган 64х104 метрлик кўҳна саҳи ( Машҳад шаҳри, Эрон) да;

2. Машҳад шаҳрига ўтказилган шаҳарни ҳозир ҳам сув билан таъминловчи канал;

3. Машҳаддаги шаҳар хиёбони анҳори;

4. Машҳад шаҳри атрофидаги “Осиёи Мир Алишер” номи билан элга танилган сув тегирмони;

5. Ҳирот йўлидаги Хавф қишлоғидаги сув ҳавзаси омбори (Машҳад);

6. Устоз Фариддин Атторнинг Нишопурдаги сағанаси (Эрон);

7. Буст шаҳридаги Сангибаст Работи (Афғонистон);

8. Дезободдаги Дезобод работи (Афғонистон);

9. Тарак қишлоғидаги тошдан ишланган сув омбори (Афғонистон);

10. Лангар қишлоғидаги Қосимул Анворнинг зиёратгоҳи (Афғонистон);

11. Ҳиротда таъмир этилган шаҳар Жомий масжиди;

12. Ҳирот Позургоҳидаги Абдуллоҳ Ансорий меъморий мажмуаси қабилар.

Ҳазрат Навоийнинг қурдирган биноларига шоирона чиройли номлар қўйиш одати бўлган. Ихлосия, Халосия, Шифоия, Сафоия, Низомия, Хусравия ва Финойлар шулар жумласидандир. Масалан, Ихлосия мадрасасининг номи Навоийнинг дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога бўлган шоирона ихлосини, миннатдорчилигини билдиради. Шифоия шифохонасининг номи соғлиқ, шифо; Сафоия ҳаммомининг номи озодлик, поклик маъносини англатади. Хусравия мадрасасининг номи бинонинг биринчи ғиштини қўйган марҳум Шаҳзода Мирзо Муҳаммад номини ҳамда унинг қурилиш йили ифодаланган. Алишер Навоий ўзининг Инжил канали ёқасида олиб борган буюдкорлик ва ободончилик ишларини “Вақфия” асарида қайд этиб ўтаркан, ушбу доим гавжум ва Ҳирот аҳлига манзур меъморий анжуманга “Неъматобод” деб ном беради.

*Бу буқакиъ то биноси бунёд ўлди,*

*Эл ҳожат ила фақирдин озод ўлди,*

*Дарвеш-у гани неъматдин шод ўлди,*

*Бу важдин оти Неъматобод ўлди.*

Дарҳақиқат, Навоийнинг Инжил бўйидаги меъморий анжумани нафақат таълим тарбия, илм-маърифат ва соғлиқ-саломатликнинг маскани, балки бева-бечораларга озиқ-овқат ва турли хил тирикчилик воситалари улашиб турувчи табаррук мавзе ҳам ҳисобланган. Алишер Навоийнинг бунёдкорлик фаолияти унинг чуқур дунёқарашидан келиб чиқиб, одамийликка, халқпарварликка, эзгуликка йўғрилган. Навоий ўз замондошларини ҳатто асарларидаги қаҳрамонларини ҳам бунёдкорликка ундайди:

*Ким қилса иморатки, мақдур ўлгай,*

*Чун исми китобида мастур ўлгай,*

*Не чоққача ул биноки маъмур ўлгай,*

*Ул исм улус тилига мазкур ўлгай.*

Ҳазрат Навоий эл-юртни обод қилишга, мамлакатни боғ-бўстонга айлантиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома”сида тўғри қайд қилган эди: “Ақли фозил ва ақли хунарга Алишербекка мураббий ва муқаввий маълум эмаским ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай...” Навоий Ҳиротнинг йирик марказ бўлишига раҳнамолик қилади ва бунга эришади ҳам. Бундай истиқболли ва одамийлик йўлида у халққа нафақат ўз шеърлари билан мурожаат қилди, балки бунёдкорликни барча соҳалари билан, жумладан, ўз даври меъморчилик ва боғ-оройишчилик санъати чўққиларидан ҳам фойдалана олди. Навоий халқпарварлигининг моҳияти унинг шеърлятида бўлиб қолмай, балки унинг маъмурчилик ишларида ҳам намоён бўлди.

Хулоса қилиб айтсак, Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган бетакрор қалим соҳибидир. Навоийни ўрганиш ҳар бир ўзбек фарзанди учун ҳам шараф, ҳам катта масъулиятдир. Шунингдек, Навоий бобомизга юзланганимиз сайин серқирра фаолиятидаги янги бир қирралар кашф қилинаверади.



## БУХОРОДА АМИРЛИК ҲОКИМИЯТИНИНГ АҒДАРИЛИШИ ВА БХСРНИНГ ТУЗИЛИШИ

**Зухриддин Болтаевич Жунаев**

Навоий давлат педагогика институти

таянч докторанти

junayev\_zuhridin@mail.ru

**Анотация.** Ушбу мақолада 1917 йилда Россияда содир бўлган кенг кўламдаги сиёсий ўзгаришлар туфайли янги тузумнинг қарор топиши, унинг таъсири остида Бухорода ҳам Ёш бухороликлар партияси томонидан мустабид амирлик тузумини ағдариб, янги республика тузumi ўрнатиш йўлида кураш, уларнинг большевиклар ёрдамида ўз мақсадларини амалга ошириб, БХСРнинг тузилиши тўғрисида маълумотлар ёритилади.

**Калит сўзлар:** Ёш бухороликлар, феврал инқилоби, Муваққат ҳукумат, конституциявий монархия, амирлик, ислохот, РСФСР, Туркистон фронти, қизил армия, БХСР, Инқилобий Қўмита, Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси.

Халқимизнинг тақдирида рўй берган, тарихимиздан ўрин олган гоҳ шонли, гоҳ тушқун ва фожиали ҳодисалар ўз ватанини севадиган ҳар бир инсонни бефарқ қолдирмайди, албатта. Қуйида юритмоқчи бўлган сўзим ҳам илгари сураётган ушбу фикр-мулоҳазаларимнинг яққол ифодасидир.

1917-1920 йилларда Бухоро амирлиги жиддий ўзгаришлар арафасида турарди. Бу даврда Бухоро амирлиги ҳудудида жадидчилик ҳаракати ва ундан ўсиб чиққан Ёш бухороликлар партиясининг фаолияти кучайди. Ёш бухороликлар даставвал мавжуд монархия тузumi доирасида демократик ислохотлар ўтказиш, конституцион монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлоқ ҳоқимиятини чеклаб қўйиш тарафдори бўлишган. Айниқса 1917 йил февралда Россияда юз берган инқилоб Ёш бухороликлар ичида кучлар нисбатининг қайта гуруҳланишини тезлаштирди. Мавжуд тузумини аста-секин ислох қилиш тарафдорлари бўлган жадидларга Абдулвоҳид Бурҳонов (1875-1934) ва Садриддин Айний (1878-1954), ислохот соҳасида фаол ҳаракатларни қўлловчи, нисбатан оз сонли Ёш бухороликларга Фитрат (1886-1938) ва Файзулла Хўжаев (1896-1938) етакчилик қилди [1].

Ёш бухороликлар амир ҳоқимиятига қарши курашни янада кучайтириш мақсадида 150 та партия ячейкаси тузиб, ҳар бир ячейкани 12 кишидан иборат кичик-кичик гуруҳлар ташкил қилган. биргина Бухоро шахрининг ўзида 50 та ячейка ташкил этилиб, ана шундай ячейкалар Чоржўй, Карки, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда ҳам тузилди[2]. 1917 йил 15 мартда Ёш бухороликлар партияси Марказий Қўмитасининг йиғилиши чақирилиб, унда партиянинг янги раҳбарияти сайланди. Марказий Қўмитага Абдулвоҳид Бурҳонов (раис), Фитрат (бош котиб), Усмон Хўжа (ҳазиначи), Файзулла Хўжаев, Мусажон Саиджонов (1893-1937), Ота Хўжаев (Отаулла Хўжаев; Ота Хўжа Пўлатхўжаев номлари билан ҳам машҳур (1894-1937)), Мухитдин Рафоат, Аҳмаджон Абдусаидов (Ҳамдий тахаллуси билан шеърлар ёзган) (1878-1937), Ҳомид Хўжа Мехрийлар аъзо қилиб киритилди[3]. Ёш бухороликлар партияси Россиядаги тарихий воқеаларни қутлаб, Петрограддаги Муваққат ҳукумат номига юборган телеграммаларида қуйидагиларни ёзишган: «...Буюк Россия ўзининг асл фарзандлари қўли билан эски мустабид тузумни ағдариб ташлаб, унинг ўрнига озод демократик ҳоқимият ўрнатишди. Янги рус ҳукуматидан шуни илтимос қилиб сўраймизки, яқин келажакда бизнинг ҳукуматга ҳам демократик бошқарувнинг озодлик ва тенглик тарзи тўғрисида кўрсатма берсангиз, биз бу ҳолат билан фахрлансак»[4]. Кўриниб турибдики, Ёш бухороликлар ўз юртларида ҳам янги тузум қарор топтириш ва туб ислохотлар ўтказишни мақсад қилиб олгандилар. Бироқ Петрограддаги Муваққат ҳукумат раҳбарлари орасида Бухородаги ислохотларга нисбатан турлича қарашлар мавжуд бўлган. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Россия Ташқи ишлар министри П.Н.Милюков (кадетлар партиясининг йўлбошчиси) амирликда ислохотлар ўтказиш тарафдори бўлса, кейинчалик Бош министр бўлган А.Ф.Керенский (1881-1970) эса Бухорони Россия таркибига қўшиб олишни қаттиқ туриб ёқлаган. Умуман олганда, Керенский Туркистон мустақиллигига қарши бўлган. 1917 йил октябр-ноябр ойларида Петроград ва Тошкентда содир бўлган воқеалар Бухоро амирлигида қатта акс-садо берди. Тошкент ва Фарғонадаги жадидлар Туркистонда мухторият



эълон қилиш учун ҳаракат қилган бўлса, Ёш бухороликлар Бухорода амирнинг истибдод тузумига қарши курашни давом эттирди. РСФСР ХКС ва Бутунроссия МИКнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси Бухоро амирлигига қарши фаолият юритишга тайёрланди. Саид Олимхон ҳукумати ҳам ўз навбатида авж олиб бораётган воқеаларга қарши ҳозирлик кўра бошлади. 1920 йил баҳорида Москвага келган Турккомиссия (Туркистон комиссияси) аъзолари Ш.Элиава ва Я.Э.Рудзутак РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Чичеринга «Турккомиссия эртагаёқ Бухоро амирлигининг мустақиллигини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради», деган баёнотни ўз ичига олган протоколни топширди. 1920 йил 22 майда РКП(б) МК Сиёсий бюроси Турккомиссия аъзоларининг Бухорога хужум қилиш тўғрисидаги фикрини маъқуллади. Туркистон fronti (Туркфронт; 1919 йил августда совет Россияси томонидан ташкил қилинган) кўшинлари бош кўмондони М.В.Фрунзе (1885-1925) 1920 йил 31 июлда Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни тезлаштиришни сўраб совет Россияси ҳукумати бошлиғи В.И.Ленинга телеграмма жўнатган. РСФСР Қуролли кучлари Олий бош кўмондони С.С.Каменев бу телеграммага: «Қулай фурсатда бошлашга рухсат берилди», деб қисқа, лекин қатъий ва мурасасиз жавоб берган. Ўша йили 12 августда М.В.Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида Самарқанд-Бухоро фронтини (4 та зарбдор гуруҳдан иборат) тузиш ҳақида буйруқ берган[5]. 1920 йил 2 сентябрда қизил аскарлар Бухородаги ҳукмдорлар қароргоҳи – Аркни эгаллаб, унинг устига ўз байроқларни тикканлар. Шафқатсиз ўқ ёмғири ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг 1/5 қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлган. Ўша даврда Бухорода бўлган маҳаллий тарихчи Мухаммад Али Балжувоний ўз асарида қизил аскарлар томонидан Бухорога қилинган босқинни куйидагича тасвирлайди: «Бухорони босиб олиш натижасида 34 гузар, 3000дан ортиқ дўкон, 20 та сарой, 29 масжид ёниб хароб бўлди. Минораи Калонга ҳам зарар етиб, Олимхон ва Мир Араб мадрасалари қисман ёниб кетди... Ҳазрати Имом дарвозасидан Гузари Назаргача, Кофиробод, Ўғлон дарвозаси, Масжиди Калон, Зиндондан Тўқумдўзий ҳаммомигача, Минора остидан то Сўзангарон даҳаси, Гулбозор, Латтафурушлар растаси, Регистондан то Пули Ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб кетди... Шаҳарда 3000 га яқин ҳовли ёниб кул бўлди. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнганди. Бухоро шу даражада хароб бўлганини ҳеч бир тарих кўрмаган эди»[6]. Бухороликлар бу кунларни «кичик қиёмат» деб айтишган.

1920 йил сентябр ойи бошларида Бухоро Муваққат Инқилобий Қўмитаси (Ревком) амирлик тузуми ағдариб ташланганлиги ва мустақил Бухоро Халқ Республикаси тузилганлигини эълон қилди. 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий Қўмита ва Бухоро Коммунистик партияси МКнинг умумий йиғилишида Абдулқодир Мухитдинов (1892-1934) раислигида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси (Марказий Ревком) ва Файзулла Хўжаев раислигида 11 кишидан иборат ҳукумат – Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси шаклланди. Бухородаги дастлабки демократик ҳукумат таркибига Файзулла Хўжаев (раис ва ташқи ишлар нозири), Қори Йўлдош Пўлатов (маориф нозири), Мухторжон Саиджонов (ички ишлар нозири), Усмон Хўжа (молия нозири), Нажиб Хусаинов (иқтисод нозири; баъзи манбаларда давлат назорати нозири), Юсуф Иброҳимов (фавкулудда комиссия-Чека раиси), Мукамил Бурҳонов (адлия нозири), Баҳовуддин Шихабуддинов (ҳарбий ишлар нозири), кейинчалик Абдурахим Юсуфзода (зироат-деҳқончилик нозири), Мирзо Мухитдин Мансуров (савдо ва саноат нозири), Мирзо Исом Мухитдинов (озик-овқат нозири) қилиб киритилди[7].

1920 йил 6-8 октябрда амирнинг ёзги саройи – Ситораи Моҳи Хосада чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг I курултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Бу янги давлат тузуми жихатидан халқ демократик республикаси эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналаридан мерос қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Курултойда давлат ҳокимиятининг олий органи-Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси ва дастлабки ҳукумат таркиби – Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси узил-кесил тасдиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, 1917 йил бошларидан Ёш бухороликлар фаол сиёсий кураш йўлини танладилар. 1918-1920 йилларда улар тактик мақсадларни кўзлаган ҳолда большевиклар билан яқинлашдилар. Қизил армия томонидан Бухорога қилинган босқин натижасида Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланди (1920 йил 2 сентябр) ва республика тузуми



ўрнатилди. Бироқ большевиклар ва совет Россияси Ёш бухороликлардан мавжуд монархия тузумини ағдаришда унумли фойдаланиб, Бухоро Халқ Совет Республикасини демократик йўлдан эмас, балки совет йўналишидан кетишини қатъиян талаб қилдилар. Бу ҳолат кейинчалик БХСРдаги иқтисодий ўзгаришларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. 8 томлик. Т.1.–Т.: Ўздавадабийнашр, 1963.–Б.268-271; Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. –Т.: «Фан», 1997. –Б.75-80.
2. ЎЗМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 14-варақ.
3. Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар (Қайта нашри). –Тошкент: «Фан», 82-бет.
4. Эргашев Б.Х. Идеология национально-освободительная движения в Бухарском эмирате. –Т.: «Фан», 1991.–С.30-31.
5. Ражабов Қ., Никитенко Г. Шахрисабз воҳаси XX асрда // Шахрисабз минг йиллар мероси. –Т.: «Шарқ», 2002. –Б.58-59.
6. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий (Фойдали тарих). Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изохлар муаллифлари Шодмон Боҳидов, Зоир Чорисв. Т. «Академия», 2001 й. –Б.70-71.
7. Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. -Т.: Фан, 1987. –Б.17.



## ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ БХСР ҲУКУМАТИ РАИСИ ЛАВОЗИМИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ҳайитов Умид Яҳёевич

Навоий давлат педагогика институти  
таянч докторанти  
hayitov.umid@bk.ru

**Анотация.** Ушбу мақолада БХСР Халқ Нозирлар Шўроси Раиси Файзулла Хўжаевнинг 1920-1924 йиллардаги ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг республика сиёсий ва иқтисодий соҳасида амалга оширган тадбирлари ёритилган.

**Калит сўзлар.** Бухоро амирлиги, БХСР, Халқ Нозирлар Шўроси, РСФСР, «Иттиҳоди тараққий», «Иттиҳоди миллий», Шарқий Бухоро, Генуя конференцияси.

1920 йил 2 сентябрда Бухоро амирлиги ағдарилгач, унинг ўрнида янги намунадаги Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топди. Бу давлат тўрт йил фаолият кўрсатган бўлсада, аммо ўзбек давлатчилиги тарихидаги ҳукм сурган сулолавий давлатлардан фарқ қилар эди. Чунки бу янги давлат шакли бўлиб, монархия давлатларидан фарқли жихати унинг халқ демократик республикаси эканлигида эди. 1920 йил 2 сентябрда Бухорода ҳокимият Муваққат Бутунбухоро инқилобий қўмитаси ихтиёрига ўтди. Ушбу қўмита 6 та банддан иборат манифестни эълон қилди. Унинг биринчи бандида Бухоро давлатининг расмий номи “Мустақил Бухоро Совет Республикаси” деб кўрсатилган эди.[1] Амирлик ағдарилган дастлабки кунлардан то 1920 йил 15 сентябргача Бухоро Совет Республикаси Халқ Нозирлар Шўроси ва Муваққат Бутунбухоро инқилобий қўмитаси Файзулла Хўжаев раҳбарлигида биргаликда иш олиб борди.[2] Асосан жадидлардан ташкил топган Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати ўша пайтда дунёдаги энг маълумотли кишилар жамланган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Файзулла Хўжаев БХСР Халқ Нозирлар Шўроси Раислигидан ташқари БХСР Ташқи ишлар нозири (1920-1922йй), Ҳарбий ишлар нозири (1921-1924йй), Ички ишлар нозири (1922 й), БХСР Меҳнат ва мудофаа кенгаши раиси (1922-1924 йй). Шунингдек, Шарқий Бухоро Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси (1923-1924йй) каби лавозимларда ҳам фаолият олиб борди. Хусусан, Умумбухоро инқилобий қўмитаси томонидан 1921 йил 5 мартда берилган мандатга биноан Халқ Нозирлари Советининг раиси ва ташқи ишлар ҳамда ҳарбий ишлар халқ нозири сифатида Файзулла Хўжаев ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий характердаги алоқалар ўрнатиш ҳуқуқига эга эди.[3] Файзулла Хўжаев бошчилигидаги БХСР ҳукумати амирлик ағдарилган дастлабки кунлардан бошлаб Бухоро Халқ Совет Республикасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётини яхшилаш борасида ислохот ва тадбирларни амалга оширишга киришди. Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ҳукумати олдида ўрта аср муносабатлари сақланиб қолган амирлик ўрнида демократик давлатни барпо этишдек мураккаб вазифа турар эди. Бунинг учун энг аввало эски амирлик давлат бошқарув муассасалари фаолиятини тугатиш ва республика тузуми ҳокимият органларини шакллантириш лозим эди. Файзулла Хўжаев БХСР ҳукумати фаолиятида маҳаллий аҳоли манфаатини ҳимоя қилиб, ҳукуматнинг барча ҳужжатларини ўзбек тилида юритишга аҳамият қаратди.[4] БХСРда миллий кадрларни давлат бошқарувида жалб этишда Файзулла Хўжаевнинг хизматлари катта бўлди. Масалан, 1923 йил марказий давлат бошқарувида мусулмон аҳоли 57% ва европаликлар эса 43%ни ташкил этган бўлса, 1925 йил 1 январ ҳолатида эса мусулмон аҳолининг давлат бошқарувидаги иштироки 72% ва европаликларнинг улуши эса 28% эди.[5]

1920 йил 7 сентябрда уч минг кишилик халқ милицияси ташкил этилди.[6] Аммо милиция ходимлари етишмаслиги сабабли 1920 йил 11 ноябрда Файзулла Хўжаевнинг имзоси билан тасдиқланган 21-сонли буйруқда БХСРнинг пойтахти Бухоро шаҳридаги кварталлар яшовчи маҳаллий аҳоли орасидан иккитагача милиция ходимини тайинлаш ва бу тайинлов оқсоқоллар кузатуви остида амалга оширилиши лозимлиги белгиланди.[7]

БХСРда ислохотларни амалга ошириш жараёнида қарама-қаршиликлар ва тўсиқлар юзага келди. Бунинг асосий сабабларидан бири РСФСРнинг БХСР ички ва ташқи сиёсатини муҳим йўналишлари белгилаб беришга ва унинг фаолиятига аралашishiда эди. БХСР ташкил



топгандан то тугатилгунига қадар ўтган тўрт йил мобайнида РСФСР ва БХСР ўртасида бир қанча шартномалар имзоланди. Бу шартномаларнинг матнлари РСФСР томонидан ишлаб чиқилган ва унинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тузилган эди. Хусусан, 1920 йил 3 ноябрда РСФСР ва БХСР ўртасида «Ҳарбий-сиёсий битим»га БХСР ҳудудида РСФСР қўшинларининг бўлиши қонунлаштирилди. Бу битимга биноан «Ҳозирги кунда Бухоро Республикасининг ўз армияси йўқлиги сабабли мамлакат чегараларини РСФСР қизил армияси қўриқлайди» дейилган эди. [8] РСФСР бу қўшинга таянган ҳолда БХСР ҳукуматига ўзи истаганидек таъсир ўтказган олар эди.

Файзулла Хўжаев давлат арбоби сифатида марказнинг сиёсатига қарши чиқиш фожиали оқибатларга олиб келишини яхши тушунар эди. Бу қаршилик унинг фикрича Бухорони яна муқаррар ҳалокатга маҳкум қилар эди. Марказнинг қатъий талаби билан БХСРнинг жадидлардан иборат ҳукуматининг аъзолари саналган Муинжон Аминов, Абдурауф Фитрат, Саттор Хўжаев ва бошқалар 1923 йил 24 июнда эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди. [9] Шунингдек, бухоро жадидларидан иборат БХСР ҳукумати маълум маънодаги мустақил фаолият олиб боришга интилиши марказнинг норозилигига сабаб бўлган эди. Шу тариқа БХСРда Совет Россиясига қарши муҳолифат куч шаклланди. Бу муҳолифат фаолиятида Файзулла Хўжаев асосий ўринни эгаллайди. Шу сабабли у БХСРни мустақиллигини таъминлаш мақсадида истиқлолчилик ҳаракати ва юртни озод қилишни мақсад қилган махфий сиёсий ташкилотлар билан алоқа ўрнатди. Хусусан, у "Миллий иттиҳод", "Туркистон миллий бирлиги", номли ташкилотларни фаолиятини қўллаб-қувватлади. Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг хотираларида таъкидлашча, «XX аср 20-йилларида Файзулла Хўжаев ва сафдошлари Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Абдулқодир Муҳитдинов «Иттиҳоди тараққий», «Иттиҳоди миллий», «Бухоро истиқлоли» уюшмаларининг руҳи ва жон томири масаласида бўлган уч киши ҳисобланган». [10] Файзулла Хўжаев БХСРнинг ўз миллий армиясига эга бўлишини истар эди. 1920 йил октябр ойида БХСР Марказий Инқилобий Қўмитаси армия тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. [11] 1924 йил сентябрда Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси Раиси Порсо Хўжаев ва БХСР Халқ Нозирлар Шўроси Раси Файзулла Хўжаев имзолари билан тасдиқланган қўшма декретда БХСРнинг 1901, 1902, 1903 йилларда туғилган фуқаролардан 1200 кишини мажбурий ҳарбий хизматга чақириш белгиланган эди. [12] Давлат қурилиши масаласида Файзулла Хўжаев трибуналлар, фавқулодда комиссия, хавфсизлик органлари бўлимларининг Бухоро республикасида ташкил этилишини танқид қилиб чиқди. [13] Ф.Хўжаевнинг қатъияти билан БХСР фавқулодда комиссияси тугатилди. [14] Янги қозиликлар иш бошлади. Масалан, 1922 йил 4 июнда Файзулла Хўжаев Шарқий Бухородаги ҳолат бўйича сўзлаган нутқи асосида БХСР МИҚнинг Шарқий Бухорони бошқариш тўғрисидаги қоидалар асосида ушбу ҳудудда қишлоқлар оқсоқолликлар томонидан бошқарилиши ва қозиликларнинг фаолият олиб бориши тасдиқланди. [15] Ислом дини анъаналари кучли бўлган БХСРда бу бирдан бир тўғри йўл эди. Бухоро амирлигини ағдарилиши, қизил армиянинг талончилиги натижасида БХСРнинг иқтисодий ахvoli оғирлашди. Файзулла Хўжаев бошчилигидаги БХСР ҳукумати олдида энг аввало қишлоқ хўжалигини тиклашдек муҳим вазифа турар эди. 1921 йил Файзулла Хўжаев бу тўғрида айтган куйидаги фикрлари аҳамиятлидир: "Биз бутун кучимизни сармоядорлар уруши ва доҳилий уруш натижасида хароб бўлган қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишга ва жумҳуриятнинг орқа таянчи ҳисобланган дехқонларнинг моддий ва маънавий ҳолларини яхшироқ этишга сарф қилишга тегишлимиз". [16] Файзулла Хўжаев ҳукумати олдида БХСР иқтисодиётини тиклашдек машаққатли вазифа турар эди. Файзулла Хўжаев бошчилигидаги БХСР ҳукуматининг сайъи-ҳаракатлари билан 1923 йил БХСР иқтисодиётида жонланиш бошланди.

Файзулла Хўжаев БХСРни саноати ривожланган ғарб давлатлари қаторида кўришни истар эди. У 1922 йил курултойда сўзлаган нутқида БХСР завод-фабрика саноати йўқлиги аҳолининг афсус билан таъкидлаб ўтади. [17] Шу сабабли у республиканинг иқтисодий тараққиётида саноатнинг улушини ошириш борасида кўплаб ишларни амалга оширди. Бу тўғрисида унинг куйидаги фикрлари ўринлидир: "Бизда бир нечта завод ва фабрикалар мавжуд. Уларни ишлаб чиқаришга киритишимиз керакки, ушбу фабрикалар ишлаб чиқариш натижалари биринчи навбатда дехқонларга фойда келтирсин ва агар улар ортиқча бўлса уларни ташқи бозорга чиқариш керак". [18] У БХСРда саноати учун муҳим ёқилғи бўлган Шахрисабздаги нефт Хатирчидаги тошқўмир конларини аниқлаш ва бу конларни ишга



тушириш лозимлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.[19] Файзулла Хўжаев давлат арбоби ва мохир дипломат сифатида РСФСР қаршилигига қарамасдан БХСРнинг хорижий давлатлар билан алоқаларини кенгайтди. 1922 йил БХСР РСФСРдан ташқари Афғонистон, Эрон ва Туркия Республикалари билан кўп томонлама алоқаларни йўлга қўйди.бу давлатларга БХСРнинг элчилари юборилди.Хусусан Туркияда БХСР элчилари олий даражада қабул қилинганди.[20] Шунингдек Файзулла Хўжаевнинг 1922 йил Афғонистон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Тарзийга жўнатган телеграммасида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш муҳимлиги тўғрисида тўхталиб ўтади.[21] Аммо марказнинг қаршилиги билан БХСРнинг ташқи алоқалар чеклана бошлади. Бунинг ёрқин далили сифатида Файзулла Хўжаев мустақил давлат раҳбари сифатида 1922 йил 27 январда халқаро Генуя конференциясида иштирок этиш учун тузилган Г.Чичерин бошчилигидаги совет делегацияси таркибига аъзо қилиб киритилди.Аммо 1922 йил 10 апрелдан 22 майгача бўлиб ўтган бўлиб ушбу нуфузли тадбирда марказнинг талаби билан БХСР вакили иштирок этмади.[22]

Хулоса қиладиган бўлсак, Файзулла Хўжаев БХСР ҳукуматининг раҳбари сифатида ёш республиканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун кўплаб ишларни амалга оширди.У тўрт йил раҳбарлик қилган давр ичида республика кўплаб ютуқларга эришди. Марказнинг зўравонликка асосланган сиёсатида қарамасдан Файзулла Хўжаев БХСРнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун курашди.Унинг манфаатларини ҳимоя қилди. Афсуски унинг бу ҳаракатлари кейинчалик совет тузуми томонидан жисмонан мавх этилишига сабабчи бўлди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон МА,Р-48-фонд,1-рўйхат,74-йиғма жилд, 41-варақ.
2. Эшонов О.Файзулла Хўжаев.-Тошкент: Ўзбекистон, 1973.-Б.31.
3. Эшонов О.Файзулла Хўжаев.-Тошкент: Ўзбекистон, 1973.-Б.35.
4. Ўзбекистон МА,Р-48- фонд,1-рўйхат,219-иш,173-варақ орқаси.
5. Ўзбекистон МА,Р-47- фонд,1-рўйхат,509-иш,1-варақ орқаси.
6. История Бухарской Народной Советской Республике (1920-1924 гг).Сборник документов.--Ташкент:Фан,1976.-С.46.
7. Ўзбекистон МА,Р-48-фонд,1-рўйхат,74-иш,23-бет.
8. Рашидов У,Рашидов Ў.Бухоронинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлари тарихидан (1900-1925 й.й).-Бухоро: Бухоро,2013.-Б.98.
9. Ўзбекистон МА,Р-47-фонд,1-рўйхат,198-йиғма жилд, 64-варақ.
10. Ўн саккизлар иши(Архив хужжатларининг изохли тўплами).нашрга тайёрловчи Ражабов К,Яхшиев А.-Тошкент:"Академия",2012.-Б.282.
11. Ўзбекистон МА,Р-46-фонд,1-рўйхат,8-йиғма жилд, 5-варақ.
12. Ўзбекистон МА,Р-47-фонд,1-рўйхат,553-йиғма жилд, 278-варақ.
13. Каримов Р.Файзулла Хўжаев атоқли жамоат ва давлат арбоби //Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги янги мулоҳазалар.-Тошкент:Фан,1997.-Б.11.
14. Ўзбекистон МА,Р-47-фонд,1-рўйхат,343а-йиғма жилд, 30-варақ орқаси, 31-варақлар.
15. Ўзбекистон МА,Р-47-фонд,1-рўйхат,26-йиғма жилд, 79-варақ.
16. Бухоро ахбори.1921 йил 5 ноябрь.108-сон.
17. Ўзбекистон МА,Р-47- фонд,1-рўйхат,343 а-иш,24-варақ орқаси.
18. Ўзбекистон МА,Р-47- фонд,1-рўйхат,343 а-иш,25-варақ.
19. Ўзбекистон МА,Р-47- фонд,1-рўйхат,343 а-иш,30-варақ.
20. Ўзбекистон МА,Р-47-фонд,1-рўйхат,343а-йиғма жилд,26-варақ орқаси.
21. Ўзбекистон МА,Р-48-фонд,1-рўйхат,25-йиғма жилд, 12-варақ.
22. Ўзбекистон МА,-47-фонд,1-рўйхат,217-иш,8-9-бетлар.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК: ТАЪЛИМ СОҲАСИ МИСОЛИДА

**Мухриддин Тўрахонович Аълоханов,**  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
Университети таянч докторанти (PhD).  
muhriddin.history@gmail.com  
+99897441-66-88

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Корея билан таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлигининг ривожланиш босқичлари, ҳамкорлик ўрнатилган мамлакат, ҳамкорлик натижалари ва келажак режалари ҳақида сўз боради. Шунингдек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** таълим, ислохот, сивилизация, фан, мамлакат, маданият, олим, академия, ҳамкорлик, қонун.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиб, халқаро майдонга чиқиши учун ҳорижий мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларда ҳамкорлик қилиш кўламини тобора кенгайтириб бормоқда. Ўзбекистоннинг Бошқа мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлиги республиканинг илмий-техник ва маънавий-маданий салоҳиятини жадал ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Ҳамкорликнинг объектив зарурият эканлиги, ҳозирги сивилизация талаблари, жамиятнинг информация жараёнига бўлган кучли интилиши, ишлаб чиқаришда чуқур илмга асосланган техникани қўллаш, уларни ишлаб чиқариш учун эса техника соҳасида улкан кашфиётларга эришишнинг тақозо этилиши, шунингдек, бундай натижаларга эришмоқ учун бутун дунё илм-фани ютуқларини умумлаштириш, дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро илмий алоқаларни йўлга қўйиш зарурияти билан изоҳланади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари билан ўтказган учрашувида ушбу ҳақиқатни таъкидлаб: «Илму фаннинг чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор булиш тенгсиз аҳамиятга эгадир» [1], -деган эди. Шу боис мустақиллик йилларида жаҳоннинг обрўли илмий муассасалари ва ҳорижий мамлакатлар олимлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Жаҳон мамлакатларининг илмий-техник ютуқлари бир-бирига боғлиқ, бири-иккинчисини тақозо этади. Шу сабабли ҳам олимнинг фаолияти, бошқа касб эгасининг фаолиятдан фарқли ўлароқ, унинг яшаб турган мамлакати билан чекланиб қолмайди, илм-фандаги ютуқлар эса кўплаб мамлакатларда истиқомат қилувчи олимларнинг байналминал саъй-ҳаракатларининг натижасидир. Илм-фан ўз моҳияти ва табиатига кўра умуминсоний, халқаро ҳодисадир. Буюк олим Фредерик Жюлио Кюри ёзганидек: «Илм-фан - бутун ер шари бўйлаб сочилиб кетган одамлар фикрининг бирлашуви учун асосий унсур бўлиб хизмат қилади ва бу унинг энг олий фазилатидир. Менинг назаримда кишилар худди илм-фандагидек тез бир битим ва келишувга эришадиган инсон фаолиятининг бошқа бирор бир соҳаси бўлмаса керак» [2]. Юқоридаги фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, илм-фан орқали дунё билан алоқаларни мустаҳкамлаш қолган соҳаларга нисбатан бир мунча фойдали бўлади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси бошқа мамлакатлар билан илм-фан ва таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўрнатди. Бу мамлакатлар қаторига бир қанча Осиё мамлакатлари ҳам бор. Булар Япония, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Малайзия, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор ривожланган мамлакатлар киради. Юқоридаги мамлакатларда таълим тизими ҳам ўзининг такомил босқичига кўтарилганлиги билан аҳамиятлидир. Ана шундай тараққиёт босқичига эришиб, ҳозирда дунёда юқори ўринлардан бирини эгаллаб турган, Осиёнинг энг ривожланган мамлакатларидан ҳисобланган Корея Республикаси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан халқаро ҳамкорлиги республиканинг таълим ва илм-фан салоҳиятини жадал ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикаси билан алоқалари ривожланишини уч босқичга ажратиш мумкин:



Биринчи босқич – 1992 йилдан 2000 йилга қадар, Иккинчи босқич – 2001 йилдан 2016 йил сўнгига қадар, Учинчи босқич – 2017 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган давр. Замонавий давлатчилигимиз тарихида Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 йил 29 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўтган 27 йил мобайнида ҳурмат ва ишончга асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ривожланди ва мустаҳкамланди. Ўзбекистон ва Корея Республикасини тарихий алоқалар, мустаҳкам дўстлик, стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари боғлаб туради. Ушбу мамлакат Ўзбекистоннинг асосий хорижий ҳамкорларидан бири сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги ислохотлар жараёнида кенг кўламли дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ва Корея Республикасини катта масофа ажратиб туради. Шунга қарамай, Ўзбекистон ва Кореяни мустаҳкам дўстлик ришталари, халқларимизни тарихий маънавий яқинлик боғлаб туради. Бу яқинликнинг теран асослари бор. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган корейсларга юртимизда қандай меҳр-мурувват кўрсатилганини Корея аҳли мамнуният билан ёдда тутаяди. Бағрикенглик, саховат, тотувлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик ўзбек ва корейс халқлари учун бирдек хос фазилатлардир. Маънавий яқинлик ўзаро ишонч ва ҳурматга асос бўлади. Шуни таълидлаш керакки, икки халқнинг бир-бирига бўлган илиқ муносабати, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликка ҳам таъсирини ижобий томондан кўрсатиб келмоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг дастлабки даврларидан то шу кунга қадар алоқалар мунтазам равишда ривожланиб келмоқда. Буни давлат раҳбарларини билдирган фикрларидан ҳам билса бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги фикрлари бунга яққол мисолдир. “Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси стратегик шериклардир. Жанубий Корея юксак даражада тараққий этган, улкан иқтисодий, илмий-техникавий, инноватсион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида дунёда эътибор қозонган. Очиқлик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимизни юксак кадрлаймиз”[3].

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг икки давлат ўртасидаги алоқалар янгича кўриниш ҳосил қилди.

Шу ўринда таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенг аҳамиятга эга. Ваҳоланки таълим давлат ривожига катта ўрин тутаяди. Илм-фан ўз моҳияти ва табиатига кўра умуминсоний, халқаро ҳодисадир. Бу юк олим Фредерик Жюлио Кюри ёзганидек: “Илм-фан – бутун ер шари бўйлаб сочилиб кетган одамлар фикрининг бирлашуви учун асосий унсур бўлиб хизмат қилади ва бу унинг энг олий фазилатидир. Менинг назаримда кишилар худди илм-фандагидек тез бир битим ва келишишга эришадиган инсон фаолиятининг бошқа бирор бир соҳаси бўлмаса керак.”[4]

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатнинг маданий-маънавий турмушидаги вазият қескин ўзгарди. “Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, - деган эди шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислон Каримов, - ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожига билан узвий боғлиқдир”[5]. Юқоридаги фикрлар таълим соҳасини ривожлантиришга дастурил амал бўлди. Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий, илмий-техникавий алоқлар йўналиши, тартиби, қоида ва даражаси ҳар икки давлат раҳбарларининг расмий учрашувларида (1992 йил 16 июлда, 1994 йил 4 июнда, 1995 йил 16 январдаги ва 1999 йил 4-6 октябрда) қабул қилинган ҳужжатларда ўз аксини топди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи президенти Ислон Каримовнинг 1992 йил июль ойида Жанубий Кореяга қилган расмий ташрифида қабул қилинган Декларатсияда ҳар икки давлат маданият, санъат, таълим, адабиёт соҳасида ўзаро алоқаларини кенгайтириш масаласи қўйилган эди.[6] 1994-йил июн ойида Жанубий Корея Президентининг Ўзбекистон Республикасига қилган расмий ташрифида қабул қилинган “Жанубий Корей ва Ўзбекистон Декларатсиясида” ҳам ҳар икки давлат маданият, санъат, таълим, фан ва техника, алоқа, спорт соҳалари бўйича ўзаро айрбош қилиш, ҳамкорликда дарсликлар, халқлар ҳақида энциклопедик луғатлар нашр этиш масалалари ҳақида келишиб олинган эди. Мана шу имзоланган ҳужжатлар асосида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Ван Ватан равнакига хизмат қилсин // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б.78.
2. Қирғизбойев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Т.: Фан. 2004. Б. 193-194.
3. Халқ сўзи 2019 йил 19 апрел № 79, 1-бет
4. Қирғизбойев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Тарих фанлари доктори... Дисс.- Т.: 2004. 231-232-Б.
5. Каримо И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интиломда // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 7-жилд. – Б. 78.
6. Сун Дон Ги Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея муносабатлари: иқтисодий, маданий алоқаларининг йўлга қўйилиши ва истиқболлари. Тарих фанлари номз... дисс. – Т.: 2000. – 103-104-Б.



## TARIX FANINING VAZIFALARI

**Isaqov Ulug‘bek Ulkanovich**

Farg‘ona shahar 16-maktab

tarix fani o‘qituvchisi

e-mail:ulugbekulkanovich@gmail.com

**Annotatsiya:** maqolada tarix o‘qitish metodikasining predmeti, maqsad va vazifalari, fanning tarkibiy qismlari, ijtimoiy fanlar tizimida tutgan o‘rni haqida fikrlar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** tarix o‘qitish metodikasi, fanga kiritilishi, tarixi, rivojlanishi

Tarix kursi oldiga qo‘yilgan ta’lim – tarbiya vazifalarini amalga oshirishning eng muhim shartlaridan biri har bir sinfda o‘qitiladigan tarix kursining tutgan o‘rni, uning ta’lim-tarbiyaviy vazifalari, har bir bo‘lim va bo‘limdagi mavzular, hatto har bir darsda o‘tiladigan mavzuning ham juz’iy vazifalari oldindan aniq belgilab olingandan keyingina tarix o‘qitishga kirishish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Tarix o‘qitishning maqsad va vazifalarini muvaffaqiyatli amalga oshirish, birinchi navbatda, o‘qituvchining har bir darsning ta’lim-tarbiya vazifalarini oldindan aniq va to‘g‘ri belgilab olishiga bog‘liqdir. Bu ham, o‘z navbatida, o‘qituvchini darsning ta’lim-tarbiya vazifalarini to‘g‘ri belgilash metodi va usullari haqidagi nazariy bilim va malakalarining darajasiga bog‘liqdir. O‘rta ta’lim tizimida tarix kursi oldiga qo‘yilgan ta’lim-tarbiya vazifalarini amalga oshirishning eng muhim shartlaridan biri har bir darsning ta’lim-tarbiya vazifalarini, shuningdek, uning boshqa darslar sistemasida tutgan o‘rnini aniq belgilash va shu vazifalarni amalga oshirishdan iboratdir. Lekin har qanday tarbiyaviy vazifani ham, bir yoki bir necha darsda yoki sinfdan tashqari mashg‘ulotlarda o‘tkaziladigan ayrim tadbirlar vositasida batamom mukammal hal qilib bo‘lmaydi. Har bir tarix darsida va darsdan tashqari mashg‘ulotlarda tarix o‘qitish oldiga qo‘yilgan g‘oyaviy va tarbiyaviy vazifalarning qandaydir bir elementi amalga oshiriladi. Ilmiy dunyoqarashning asosini tashkil etuvchi muhim tushunchalarni o‘quvchilar asta-sekinlik bilan, bir qancha darslar davomida o‘zlashtirib boradi, yangi tushunchalar keyingi dars materiallari asosida konkretlashib, yangi mazmun bilan boyiydi. Keyingi dars o‘quvchilarning avvalgi darslarda olgan bilimi, orttirgan malakalarini kengaytiradi, ularda yangi tushunchalar hosil qiladi. O‘qituvchi darsga tayyorlanayotganda o‘quv dasturining hajmi va mazmunini hisobga olib material tanlaydi, dastur va darslik asosida dars rejani tuzadi, materialni joylashtiradi va uni bayon qilishda hujjat va boshqa ko‘rgazmali qurollardan foydalanish metodlarini belgilaydi. Ammo, bu ishlar o‘qituvchi darsning asosiy g‘oyasini, undan ko‘zlanayotgan ta’lim-tarbiya vazifalarini, darsda nimaga erishish, o‘quvchilarda qanday tasavvur va tushuncha xosil qilish kerakligini aniq va to‘g‘ri hal qilgan taqdiridagina o‘qituvchi ko‘zlangan maqsadga erishishi mumkin. Darsning bosh g‘oyasi va uning tarbiyaviy vazifalari to‘g‘ri va aniq belgilanmay o‘tkazilgan dars dasturida ko‘rsatilgan faktlarni tasodifan, shunchaki sanab o‘tishdan iborat bo‘lib qoladi. Material tanlash va uni izchillik bilan joylashtirish, darsda qo‘llaniladigan butun didaktik usullar va metodik vositalarning hammasi darsning bosh g‘oyasiga, uning ta’lim va tarbiya vazifalarini hal etish maqsadiga bo‘ysundirilishi kerak. Shuning uchun ham har bir darsning bosh g‘oyasi va uning ta’lim-tarbiya vazifalarini aniqlash o‘qituvchining darsga tayyorlanishida eng muhim bosqichni tashkil qiladi. Tarix darsiga tayyorlanishning bu muhim bosqichi eng mas’uliyatli bo‘lishi bilan birga, ishning eng qiyin tomoni hamdir. Tarix darslarining bosh g‘oyasini, uning ta’lim-tarbiya vazifalarini aniq belgilash, ayniqsa, yosh, tajribasiz o‘qituvchilar uchun qiyin kechadi. Ular ko‘pincha darsning ta’limiy vazifalari bilan tarbiyaviy vazifalarini aniq ajrata olmay, ularning birini ikkinchisi bilan aralashtirib yuboradilar yoki aniq dars materialini, uning mazmunini hisobga olmay, tarbiyaviy vazifalarni umumiy ravishda belgilash bilan cheklanib qo‘ya qoladilar. Jamiyatning ob’ektiv rivojlanishi asosida davlatning tashkil topishidagi bu umumiy qonuniyatlar hamma xalqlarga ham xosdir. Ammo davlatning tashkil topishidagi umumiy qonuniyatlar bilan birga, har bir xalqning o‘z sharoitlaridan kelib chiqadigan aslida o‘ziga xos xususiyatlari ham bo‘ladi. Shuning uchun ham qator mamlakatlarda davlatning tashkil topishi bilan bog‘liq mavzularni



o'tayotganda, davlatning tashkil topishidagi umumiy qonuniyatlarnigina emas, balki har bir xalq tarixidagi o'ziga xos xususiyatlarni ham ko'rsatib berish talab etiladi. Ayni vaqtda ularga tarix o'qitish metodikasining nazariy qismi ham o'tilgan edi. Ko'p yillik pedagogik amaliyot tajribasi shuni ko'rsatadiki, o'qituvchilar uchun darslarning maqsadini, ta'lim-tarbiya vazifalarini belgilash eng muhim, mas'uliyatli ish bo'lish bilan birga, chuqur bilim, malaka va mahoratni talab qiladigan juda murakkab ishdir. Binobarin, yuqori malakali tarix o'qituvchilarini tayyorlashda bu muhim masalaga alohida e'tibor berish talab qilinadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. N. Norqulov, U.Jo'rayev . 8-sinf O'zbekiston tarixi. Sharq. T. 2000
2. J.Raximov. 9-sinf O'zbekiston tarixi. Toshkent. 2000

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(3-қисм)**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2021

**Контакт редакций научных журналов.** [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

---